Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Пул бозори ва ликвидлик шарҳи

2026 йил II чорак



МУНДАРИЖА

Резюме 3
I. Банк тизими ликвидлиги таҳлили 4
1.1. Умумий ликвидлик динамикаси ва омиллари 4
1.2. Бюджет операцияларининг банк тизими ликвидлигига таъсири 6
1.3. Ликвидликни тартибга солиш операциялари таҳлили 9
II. Банкларараро пул бозори таҳлили 10
2.1. Пул бозори динамикаси ва фоиз ставкалари 10
2.2. Банкларараро пул бозори сегментацияси 13
Илова 15

Резюме

2026 йилнинг II чорагида бюджет операцияларининг ликвидликка оширувчи таъсири ошиши фонида банк тизимининг ликвидлик профицити I чоракка нисбатан 34,2 фоизга ўсиб, ўртача 74,4 трлн сўмни ташкил этди.

Чорак давомида банк тизимининг умумий ўртачалаш талаби I чоракка нисбатан ўртача 1,1 трлн сўмга ошиб, 19 трлн сўмни ташкил этди.

Пул бозори фоиз ставкаларини тартибга солишда II чоракда ўртача ҳафталик 72 трлн сўм миқдорида 7 кунлик Марказий банк облигациялари тижорат банклари ўртасида жойлаштирилди *(I чоракда 49 трлн сўм)*. Бунда, чорак давомида Марказий банкнинг тижорат банклари билан соф ликвидлик жалб этувчи бўлиб, пул-кредит операциялари бўйича ўртача соф позицияси 73 трлн сўмни ташкил этди.

Чорак давомида UZONIA ставкаси ўртача 13,4 фоиз атрофида шаклланиб, фоиз коридори доирасида сақланди. Шу билан бирга, ликвидлик профицитининг жадал ўсиши шароитида асосий ставка ва UZONIA орасидаги тафовут кенгайиб, 0,6 фоиз бандни ташкил этди *(I чоракда 0,3 фоиз банд)*.

Мазкур чоракда банкларараро пул бозоридаги РЕПО ҳамда депозит операциялари умумий ҳажми 7,3 фоизга ошиб, 175 трлн сўмни ташкил этди. Марказий банк томонидан ликвидликни жалб этиш операциялари ҳажмларини ошиши бозор фаоллигининг жадаллашувига олиб келди.

Банк тизимида ликвидлик профицитининг сақланиб қолиши чорак давомида Марказий банк ликвидликни тақдим этиш операцияларига талаб минимал бўлишига олиб келди.

2026 йилнинг III чорагида бюджет операцияларининг ликвидликка оширувчи таъсири сақланиб қолиши кутилаётган бўлса, нақд пуллар ҳамда хорижий валютага бўлган мавсумий талаб ликвидлик профицитини нисбатан камайтирувчи омиллардан бўлиши кутилмоқда.

Банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш мақсадида Марказий банк ликвидликни жалб этиш бўйича асосий операцияларидан фаол фойдаланган ҳолда пул бозори фоиз ставкаларини фоиз коридори доирасида, асосий ставкага яқин даражада шаклланишини таъминлаш чораларини кўриб боради.

I. Банк тизими ликвидлиги таҳлили

1.1. Умумий ликвидлик динамикаси ва омиллари


Банк тизимининг умумий ўртачалаш талаби 2026 йилнинг II чорагида ўртача 19 трлн сўмни ташкил этиб, I чоракка нисбатан 6,3 фоизга ошди. Ушбу ўсиш мажбурий захиралаш базасининг кенгайиши билан изоҳланади.

Банк тизими умумий ликвидлик ҳолати[1] 2026 йил II чоракда ўртача 74,4 трлн сўмни ташкил этиб, I чоракка *(ўртача 55,4 трлн сўм)* нисбатан 34,2 фоизга баланд шаклланди. Бунда, ликвидлик профицити апрел ойидаги ўртача 69 трлн сўмдан май ойида 73 трлн сўмгача ошган бўлса, июн ойида ўртача 81,2 трлн сўмни ташкил этди *(1-расм)*.

Тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи қолдиғи чорак давомида ўртача 21 трлн сўмни ташкил этиб, ўртачалаш талабидан ортиқча ликвидлик ўртача 1,8 трлн сўмга тенг бўлди.

Мавсумий омиллар ҳисобига муомаладаги нақд пулларга бўлган талабнинг пасайиши II чоракда банк тизими ликвидлигининг 5,6 трлн сўмга ошишига хизмат қилди.

1-расм. Банк тизимидаги умумий ликвидлик ҳолати, *трлн сўм*



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

[1] **Банк тизими умумий ликвидлиги ҳолати** – тижорат банкларининг Марказий банкдаги миллий валютадаги вакиллик ҳисобварағи қолдиғи ва ўртачалаш ҳажми тафовутига банкларнинг пул-кредит операциялари бўйича соф позицияси *(ликвидликни жалб этиш операциялари ва ликвидликни тақдим этиш операциялари соф қолдиғи)* қўшилиши орқали ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати операциялари амалга оширилмаган вазиятда банк тизими умумий ликвидлик ҳажмининг эҳтимолий миқдорини кўрсатади.

1.2. Бюджет операцияларининг банк тизими ликвидлигига таъсири

2026 йилнинг II чорагида бюджет операцияларининг банк тизими умумий ликвидлигига оширувчи таъсири I чоракка нисбатан 2,7 баробарга ошиб, 33,4 трлн сўмни ташкил қилди *(2-расм)*. Хусусан:

- Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси *(ЎТТЖ)* операциялари 0,6 трлн сўмга камайтирувчи;


- Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси операциялари 0,6 трлн сўмга оширувчи;

- Ягона ғазна ва бюджет ҳисобварақлари орқали амалга оширилган операциялар эса 33,4 трлн сўмга оширувчи таъсирга эга бўлди. Бунда оширувчи таъсир чорак давомида барқарор шаклланиб, ойлик кесимда апрел ойида 10,2 трлн сўм, май ойида 12,2 трлн сўм ҳамда июн ойида 11 трлн сўмни ташкил этди.


Хусусан, II чоракда аукцион савдолари орқали тижорат банклари ўртасида жойлаштирилган муддатли депозитлар ҳажми I чоракка нисбатан 84 фоизга ошиб, 14,8 трлн сўмни ташкил этди.

Бунда аукцион савдолари ҳажми апрел ойидаги 2,3 трлн сўмдан май ойида 6,7 трлн сўмгача ошган бўлса, июн ойида 5,8 трлн сўмни ташкил этди. Депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари чорак давомида 14,2-14,6 фоиз оралиғида шаклланиб, I чоракдаги ўртача 15 фоизга нисбатан 0,6 фоиз бандга пасайди *(3-расм)*.

2-расм. Бюджет операцияларининг ликвидликка таъсири, *трлн сўм*



3-расм. Бюджет ташкилотлари томонидан жойлаштирилган депозитлар, *трлн сўм*



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Депозит аукционлари ҳажмининг сезиларли ошиши бюджет ташкилотларида шаклланган вақтинча бўш пул маблағларининг кўпайганини ва ушбу маблағларнинг банк тизимига қайта тақсимланиш кўлами кенгайганини кўрсатади.


Бюджет харажатларини молиялаштиришда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ушбу даврда жами 9,4 трлн сўмлик давлат қимматли қоғозлари муомалага чиқарилган. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги облигацияларининг қолдиғи 2026 йил 1 июль ҳолатига 55,2 трлн сўмни ташкил этди *(4-расм)*.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги облигациялари бўйича даромадлилик 2026 йилнинг II чораги давомида ойма-ой пасайиб бориб, ўртача 12,5 фоизни ташкил этган *(5-расм)*.


Чорак давомида облигациялар бўйича даромадлиликнинг изчил пасайиб бориши, асосан пул бозоридаги ликвидлик даражасининг сезиларли ошиши ҳисобига давлат қимматли қоғозларига бўлган талабнинг ортиши билан изоҳланади.

Олдинги йилларда кузатилган мавсумийликка асосан 2026 йилнинг III чорагида ҳам бюджет операцияларининг банк тизими ликвидлигига оширувчи таъсири сақланиб қолиши кутилмоқда. Шунингдек, давлат қимматли қоғозлари эмиссиясининг давом этиши, ўз навбатида, бирламчи ва иккиламчи давлат қимматли қоғозлари бозори ҳамда банкларараро РЕПО бозорининг фаоллашувига хизмат қилади.

4-расм. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги облигациялари, *трлн сўм*



5-расм. Даромадлилик эгри чизиғи, *фоизда*



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

1.3. Ликвидликни тартибга солиш операциялари таҳлили


2026 йилнинг II чораги давомида Марказий банкнинг пул-кредит операциялари ликвидликни жалб этиш орқали пул бозоридаги қисқа муддатли фоиз ставкаларининг фоиз коридори доирасида шаклланишини таъминлади.

Марказий банк ликвидликни жалб қилиш бўйича асосий операция сифатида 7 кунлик облигацияларни муомалага чиқариши бевосита банк тизимидаги қўшимча ликвидликни Марказий банк томонидан самарали жалб қилинишига ва бу орқали пул бозоридаги фоиз ставкаларининг фоиз коридори доирасида асосий ставкага яқин даражада шаклланишига ҳисса қўшди[2].


Хусусан, 2026 йилнинг I чорагида ўртача ҳафталик 49 трлн сўм миқдорида Марказий банкнинг 7 кунлик облигациялари тижорат банклари ўртасида жойлаштирилган бўлса, II чоракда ушбу кўрсаткич 35 фоизга ошиб, 72 трлн сўмни ташкил этди *(6-расм)*.

Чорак давомида ойлик ўртача 288 трлн сўмлик облигациялар эмиссия қилинди. Шу билан бирга, эмиссия ҳажми ойлар кесимида нотекис шаклланиб, апрел ойидаги 300 трлн сўмдан май ойида 186 трлн сўмгача пасайган бўлса, июн ойида 377 трлн сўмга етди.

6-расм. Марказий банк облигация-лари эмиссияси, *трлн сўм*



7-расм. Пул-кредит операциялари, *трлн сўм*



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

[2] 2025 йилнинг 1 августидан тизимдаги ортиқча ликвидликни самарали жалб қилиш мақсадида Марказий банкнинг ликвидликни жалб қилиш бўйича асосий операциялари 1 ҳафталик депозит аукционларидан 7 кунлик Марказий банк облигацияларига ўзгартирилган.

Натижада, облигациялар бўйича ўртача қолдиқ I чоракдаги 48,7 трлн сўмдан II чоракда 65,7 трлн сўмгача ошди.

Май ойида ликвидликни жалб қилиш кўламининг нисбатан пасайиши ликвидлик профицитининг ўсиши билан бир вақтга тўғри келди. Натижада, чорак давомидаги ўртача UZONIA ставкаси асосий ставкадан 0,6 фоиз бандга паст, 13,4 фоиз атрофида шаклланди *(I чоракда тафовут 0,3 фоиз банд)*[3].

Тизимли ликвидлик профицити шароитида пул бозоридаги фоиз ставкаларининг кескин тебранишини олдини олиш мақсадида, чорак давомида ликвидликни жалб қилиш бўйича асосий операциялар билан бир қаторда Марказий банкнинг овернайт депозит операцияларидан ҳам фаол фойдаланилди.

Овернайт депозит операцияларига талаб I чоракка нисбатан 36 фоизга ўсиб, кунлик ўртача 6,9 трлн сўмни ташкил этди. Асосий фаоллик апрел-май ойларида кузатилиб, операцияларнинг кунлик ўртача қолдиғи мос равишда 8,1 ва 8,4 трлн сўмни ташкил этган бўлса, июн ойида ушбу кўрсаткич 4,3 трлн сўмгача пасайди *(7-расм)*.

Мазкур чорак давомида Марказий банкнинг тижорат банклари билан пул-кредит операциялари бўйича ўртача соф позицияси 72,6 трлн сўмни ташкил этди.

Банк тизимида ликвидлик профицитининг сақланиб қолиши Марказий банкнинг ликвидликни тақдим этиш операцияларига бўлган талабни чорак давомида энг қуйи даражада шаклланишига олиб келди. Бунда апрел ва май ойларида ликвидлик тақдим этиш операциялари бўйича талаб кузатилмади.

Овернайт РЕПО операциялари фақат июн ойида амалга оширилиб, уларнинг ойлик ўртача қолдиғи 29 млрд сўмни ташкил этди. Ушбу талаб, асосан, мавсумийликдан келиб чиқиб ой якунида кузатиладиган ликвидликнинг бироз пасайиши фонида шаклланди.

Шу билан бирга, тижорат банкларининг амалиёт куни ичида кун давомидаги фоизсиз кредит инструментидан фойдаланиш кўламида аввалги чоракка нисбатан ўсиш кузатилди. II чоракда ушбу операцияларнинг кунлик ўртача ҳажми 1,4 трлн сўмни ташкил этди.

[3] 2022 йилнинг 15 декабридан бошлаб Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг операцион мақсади сифатида пул бозоридаги қисқа муддатли ресурслар нархини ифодаловчи бенчмарк ставка – UZONIA ставкасини фоиз коридори доирасида ҳамда асосий ставкага яқин шаклланишини таъминлаш белгиланган.

Ушбу ҳолат ликвидлик профицити шароитида ҳам тўловлар узлуксизлигини таъминлаш ҳамда ликвидликни бошқаришда тижорат банкларининг пул-кредит инструментларидан фаол фойдаланаётганлиги билан изоҳланади.

Келгуси чоракда ҳам Марказий банк пул бозори фоиз ставкаларини фоиз коридори доирасида, асосий ставкага яқин даражада шаклланишини таъминлаш мақсадида ликвидликни жалб қилиш операцияларидан фаол фойдаланган холда тизимли ликвидлик профицитини самарали тартибга солиш чораларини кўради.

II. Банкларaро пул бозори таҳлили

2.1. Пул бозори динамикаси ва фоиз ставкалари

2026 йилнинг II чорагида банкларaро пул бозорида жами 175 трлн сўмлик операциялар амалга оширилиб, битимлар умумий ҳажми I чоракка *(163 трлн сўм)* нисбатан 7,3 фоизга ошди *(8-расм)*. Чорак давомида ойлик ҳажмлар ўзгарувчан динамика касб этиб, апрел ойидаги 59,8 трлн сўмдан май ойида 37,8 трлн сўмгача пасайган бўлса, июн ойида 77,3 трлн сўмга етди.


2026 йилнинг II чорагида банкларaро амалиётларнинг 72 фоизи РЕПО операцияларига тўғри келди ва ушбу операцияларнинг жами ҳажми 125,5 трлн сўмни ташкил этди *(I чоракда 121,1 трлн сўм)*.

Банкларaро депозит операцияларининг ҳажми ўтган чоракка нисбатан 17,8 фоизга ошиб, 49,4 трлн сўмни ташкил этди. Бунда энг юқори фаоллик апрел *(20,5 трлн сўм)* ва июн *(19,3 трлн сўм)* ойларида кузатилди.


Банкларaро пул бозоридаги операциялар ҳажмининг ошиши, асосан, июн ойидаги бозор фаоллигининг жадаллашуви билан изоҳланади. Май ойидаги пасайиш эса ликвидлик профицитининг ошиши шароитида банкларнинг ўзаро ресурс жалб қилишга бўлган эҳтиёжи камайганини ифодалайди.

Банкларaро РЕПО операцияларининг депозит операцияларига нисбатан кўплиги эса, ўз навбатида, банклар томонидан ликвидлик ҳамда кредит таваккалчиликларини бошқариш мақсадида ўзаро операцияларда гаров мулкига бўлган талабни ифодалайди.

8-расм. Банкларaро пул бозори амалиётлари, *трлн сўм*



9-расм. Банкларaро пул бозори амалиётлари ставкаси, *фоизда*



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари ушбу даврда тўлиқ фоиз коридори доирасида, бироқ I чоракка нисбатан 0,3 фоиз бандга паст, 13,4 фоиз даражасида шаклланди. Бунда, фоиз ставкалар банк тизимида ликвидлик ҳажмининг юқорилиги ҳисобига асосий ставкадан пастроқ шаклланди *(9-расм)*.


Муддатлар кесимида фоиз ставкаларининг шаклланиши турлича бўлиб, бозорнинг қисқа муддатли сегментларида фоиз ставкаларининг изчил пасайиши кузатилди.

II чоракда банкларараро овернайт операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси I чоракка нисбатан 0,3 фоиз бандга пасайиб, 13,4 фоизга тенг бўлди *(10-расм)*. Муддати 2-7 кунлик операциялар бўйича ставка эса 0,5 фоиз бандга пасайиб, 13,4 фоизни ташкил этди.


Овернайт РЕПО операциялари бўйича ҳисобланадиган UZONIA бенчмарк фоиз ставкаси чорак давомида фоиз коридори доирасида шаклланди. II чоракда ўртача UZONIA ставкаси I чоракка нисбатан 0,3 фоиз бандга пасайиб, 13,4 фоизни ташкил этди *(11-расм)*.

UZONIA бенчмарк фоиз ставкаси апрел ойидаги ўртача 13,6 фоиздан май ойида 13,1 фоизгача пасайди. Бунда, 25 май куни чорак давомидаги энг қуйи қиймат – 12,4 фоиз даражасида шаклланди.

10-расм. Пул бозоридаги муддатлар бўйича фоиз ставкалар, *фоизда*



11-расм. Пул бозорининг бенчмарк фоиз ставкаси, *фоизда*



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Июн ойида Марказий банк ликвидликни жалб қилиш операциялари кўламининг кенгайиши натижасида UZONIA ставкаси тикланиб, ой давомида ўртача 13,3 фоизни, чорак якунида эса 13,6 фоизни ташкил этди. Ушбу динамика ликвидлик профицитининг жадал ўсиши шароитида пул бозорида бенчмарк ставканинг тебранувчанлиги ошганини кўрсатади. Хусусан, чорак давомидаги стандарт четланиш 0,3 фоиз бандга тенг бўлиб, I чоракка нисбатан *(0,14 фоиз банд)* икки баробар юқори бўлди.

2.2. Банклараро пул бозори сегментацияси

2026 йилнинг II чорагида ҳам банклараро пул бозоридаги операцияларнинг асосий қисмини овернайт операциялар ташкил этган бўлиб, уларнинг улуши I чоракдаги 89 фоиздан 93 фоизгача ошди *(12-расм)*.


II чорак давомида банклараро пул бозоридаги овернайт шаклидаги РЕПО ҳамда депозит операциялари умумий ҳажми I чоракка нисбатан 11,6 фоизга ошиб, 162,7 трлн сўмни ташкил этди.

Муддати 2-7 кунлик операциялар улуши I чоракдаги 8,7 фоиздан 6 фоизгача, муддати 8-30 кунлик амалиётлар улуши 0,8 фоиздан 0,6 фоизгача, муддати 30 кундан юқори бўлган операцияларнинг улуши эса 1 фоиздан 0,6 фоизгача пасайди.

Бозорнинг янада қисқа муддатли сегментга силжиши ликвидлик профицити юқори бўлган шароитда иштирокчиларнинг узоқроқ муддатларга ресурс жалб қилишга бўлган эҳтиёжи камайганини ифодалайди.

Ушбу даврда пул бозорида ликвидлик тақдим этувчи банкларнинг кунлик ўртача сони 8 тани ташкил этган бўлса *(I чоракда – 9 та)*, ликвидликни жалб этувчи банклар кунлик ўртача сони I чоракка нисбатан ўзгаришсиз 7 тага тенг бўлди.

12-расм. Пул бозорларидаги операцияларнинг муддатлар кесимида улуши, *фоизда*



13-расм. Пул бозори бўйича "Herfindahl-Hirshman" индекси



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Чорак давомида банкларараро пул бозоридаги фаолликнинг ошиши операциялар кўлами ҳамда бозор иштирокчилари сони жиҳатидан банк тизимида ликвидликни қайта тақсимлаш механизмларининг ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Пул бозорининг ликвидликни жалб этиш сегментида энг фаол 3 та банкнинг улуши I чоракка *(81 фоиз)* нисбатан 7 фоиз бандга пасайиб, ўртача 74 фоизга тенг бўлган бўлса, ликвидликни тақдим этиш сегментида энг фаол 3 та банкка жами амалиётларнинг 51 фоизи *(I чоракда 50 фоиз)* тўғри келди.

Ушбу кўрсаткичлар бозордаги фоиз ставкалари шаклланишида ликвидлик жалб этиш сегментидаги иштирокчилар асосий рол ўйнашда давом этаётганини, бироқ ушбу сегментда рақобат муҳити нисбатан яхшиланганини билдиради.

Пул бозорининг концентрациялашув даражасини ифода этувчи “Herfindahl-Hirshman” индекси[4] *(HH индекси)* бўйича ҳисоб-китобларга кўра, ликвидликни жалб этиш сегментида концентрация даражаси чорак давомида изчил пасайиб, апрел ойидаги 2 426 дан июн ойида 2 057 гача тушди *(13-расм)*.




Шунга қарамай, ушбу сегмент ҳамон “нисбатан концентрациялашган” тоифада қолмоқда. Бу ҳолат юқори ликвидлик профицити шароитида ликвидликни жалб этиш операцияларининг чекланган доирадаги иштирокчилар ҳиссасига тўғри келиши билан изоҳланади.

Ликвидлик тақдим этиш сегментида эса концентрация нисбатан паст ва барқарор бўлиб қолмоқда. HH индекси апрел ойидаги 1 128 дан июн ойида 1 337 гача ошган бўлиб, ушбу сегментда рақобат муҳити нисбатан юқорилигини ифодалайди.

[4] **“Herfindahl-Hirshman” индекси** – бозорда *(тармоқда)* концентрация даражасини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, бозор иштирокчилари улушининг квадратлари йиғиндиси кўринишида ҳисобланади. Кўрсаткич 0 дан 10 000 оралиғида бўлиб, 10 000 бир ташкилотнинг мутлақ бозорга эгалигини *(монополия)* ифодаласа, қиймат 0 га яқинлашгани сари рақобатнинг кучайиб бориши кузатилади. Таҳлилчилар томонидан индекснинг 1 500-2 500 оралиқда бўлиши тизимнинг “нисбатан концентрациялашганлиги” ва 2 500 дан юқори бўлиши “юқори даражада концентрациялашганлиги” билдирилади.

Илова

Пул бозорининг депозит ва РЕПО сегментида банклар ўртасида амалга оширилган операциялар ҳажми таҳлили[5]

<table>
<tr><td colspan="2">2026 йил I чорак</td></tr>
<tr><td>Депозит бозори</td><td>РЕПО бозори</td></tr>
<tr><td></td><td></td></tr>
<tr><td colspan="2">2026 йил II чорак</td></tr>
<tr><td>Депозит бозори</td><td>РЕПО бозори</td></tr>
<tr><td></td><td></td></tr>
</table>

[5] Ушбу графикда пул бозоридаги энг фаол банклар номи шартли рақамларда ифодаланган бўлиб, ликвидлик тақдим этиш ва жалб қилишда юқори улушга эга банклар доира бўйлаб алоҳида рангларда акс эттирилган. Бунда, доира четидаги ранг билан бир хил рангдаги чизиқли боғланишлар ушбу банк учун ликвидлик тақдим этиш операцияларини билдирса, бошқа ранглардаги боғланишлар банк учун ликвидлик жалб қилиш операцияларини кўрсатади.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2026 йил

Хужжатнинг электрон версияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб-сайтининг «Пул-кредит сиёсати нашрлари» бўлимининг «Пул бозори ва ликвидлик шарҳи» кичик бўлимида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти: www.cbu.uz.

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: sinogamov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22